

Normal 0 false false false RU X-NONE AR-SA

MicrosoftInternetExplorer4

Рахматуллох кори

Рахматуллох кори Абулкосим ўгли 1917 йил 15 майда (1335 йил 24 ражаб) Андижон шаҳрида хунарманд оиласида таваллуд топганлар. Оналарининг исми Халимаҳон бўлган.

Рахматуллох кори ака ўн икки ёшларида акалари Неъматуллох кори акада Куръон ёдлашни бошлаганлар ва 24-25 ёшларида Хофизии Куръон бўлиб етишганлар. Йигирма олти ёшларида уйланганлар. Кейинрок Куръони Каримни Шаҳобиддин кори акада қайта ўтказиб, кироат ва тажвидларини такомиллаштирганлар.

1967 (1386-1387) йили Покистонда Карачи шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон корилар кўригида 2-ўринни эгаллаганлар.

Рахматуллох кори ака ўз даврида Андижоннинг энг машхур кориларидан бўлганлар. Андижонлик аллома Абдулмажид Кози домла Рахматуллох кори аканинг кироатларига баҳо берар экан: «Болам, Куръони Каримни бир йўла маъноси билан ўқийсан да», – деб кўяр эдилар.

Рахматуллох кори ака алайхироҳма хижрий 1981 йил 12 сентябрда (1401 йил 11 Зулқаъда) оламдан ўтдилар. Тириклик чоғларида Куръон нурини дилларга таратиб ўтган устозимиз Рахматуллох кори аканинг қабрларини ҳам Аллоҳ таоло Куръон нури билан мунаввар айласин. Омин!